



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 23 август, чоршанба №122 (954)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МИЛЛИЙ ГУРУР

қалбда жўш урса

Оппок соқолли нуроний кўз ёш тўкса қанчалар оғир. Собик шўро даврида Азмидин ота ташландик ерда ажойиб винобоб тоқларни кўпайтириб, ажойиб боғ яратганди. Бирок, нотўғри сибсат туфайли узумзорни бир кечада йўқ қилишди. Ушанда отахон «мехнатимга эмас, қадримга йиғлайман» дея бўзлаганди. У шу куйи оламдан армон билан кетди.

Не бахтки, отанинг орзусини унинг неваралари амалга оширишапти. Бешовлон кичик цех қуриб, ажойиб Ўзбекистон виносини хорижга экспорт қиламиз, деб туришибди. Ҳа, истиқлол туфайли армонларимиз чекинб, улуг ишлар биринкетин рўбга чиқмоқда.

Узим ҳам мустақиллик шарофати ила мулкдор бўлдим. 70 гектар ерда олти нафар оила аъзоларим ва ҳамқишлоқларим билан деҳқончилик қиламан. Ҳар йили пахта ва галладан юқори ҳосил етиштираймиз. Бу йил дон топшириш шартнома режасини 74 тонна ўрнига 123 тонна қилиб бажардик. Шу тармоқнинг ўзидан олган соф даромад 2 миллион сўмга етди. Бу йил насиб қилса 3,5 миллион сўм қўлимизга тегади, деб турибмиз. Миллий гурур қалб-

да жўш урса инсон кўп ишга қодир сезади ўзини. Сувчи ва тракторчилар Бекқул Тойжонов, Эргаш Қудратов, Бахтиёр Йўлдошев, Дилшод Деҳқоновлар ҳалол ишлаб янги иморатлар қуришди, айримлари машинали бўлишди. Тўйларга тўйлар уланмоқда.

Хайрия ишларида ҳам баҳоли қудрат иштирок этаёпмиз. Оромгоҳда дам олаётган фарзандларимиз учун 20 минг сўм, болалар боғчасига 30 минг сўм ўтказдик. Мустақиллигимизнинг 9 йиллигини муносиб соғвалар билан қаршилаётганимиздан бошимиз осмонда.

Келди ҚУДРАТОВ, Зафаробод туманидаги «Хумо» мустақил фермер хўжалиги раҳбари.

БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ЕНГОЛМАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош қўмондон Ислам Каримов 22 август кўни Сурхондарё вилоятининг халқаро террорчиларни тугатиш операцияси давом этаётган Сарийосиё ва Узун туманларида бўлди.

Президент Ислам Каримов Сурхондарёга йўл олган экан, самолётда журналистлар билан мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз раҳбари суҳбат чоғида халқаро террорчиларнинг Ватанимизга суқилиб киришига уринишдан кўзлаган мақсадлари ва уларни хорижда қўллаб-қувватлаётган кучлар ҳақида тўхтади. Босқинчиларнинг асосий мақсади халқимизнинг осойишта ҳаётига раҳна солиши, бизни қатъий танлаган йўлимиз - демократик жамият қуриши, амалга ошираётган ислохотларимиз йўлидан оғдирилиш, иродаси заифроқ кишиларнинг кўнгли-

да ваҳима тугдиришидир. Маълумотларга қараганда, халқаро террорчилар ана шундай ёвуз ниятларига етиш учун кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистоннинг тоғли худудлари орқали мамлакатимизга суқилиб кирмоқчи бўлган. Гарчи, деб таъкидлади Президент Ислам Каримов, Тожикистон давлати мазкур террорчиларнинг юртимизга ўш худуди орқали ўтганини инкор этаётган бўлса-да, бу ҳар толамонлама исботини топмоқда. Лекин биз бундай вазият юз бергани учун барча айбни қардош Тожикистон Республикаси ҳукумати зиммасига юкляш ния-

тидан йироқмиз. Чунки Тожикистон узоқ давом этган беқарорликлардан кейин эндигина нафас ростламоқда. У ерда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳали барқарор изга тўла тушганича йўқ. Мамлакат худудидида террорчилар борлигидан Тожикистон ҳукумати хабардор. Лекин ҳозирча ҳукумат вазиятни ўз назоратида тўла олганича йўқ. Шундай экан, биз халқаро террорчиларга қарши Тожикистон ҳукумати билан биргаликда кураш йўллари ахтаришимиз ва айни чоғда, асосий эътиборимизни ўз чегараларимизни мустаҳкамлашга қаратмоғимиз лозим. Чегараларимизнинг муайян қисми баланд тоғлар ва чуқур дарралардан ўтиши биз учун бу ишда тўсиқ бўлолмайдиган, дадил ҳаракат қил-

Президент Ислам Каримов террорчиларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёрига қатъий амал қилишини алоҳида таъкидлади. Ҳар қандай террорчилик ҳаракатлари шафқатсиз равишда бостирилади. Президент Ислам Каримов халқаро террорчиларга қарши курашаётган Бирлашган Қуроли Кучларнинг Сарийосиё аэропортидаги штабида бўлиб, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган аскар ва офицерлар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз, аввало, босқинчиларга қарши курашаётган ҳарбийларнинг кайфияти, қуроли-яроғи, яшаш шароити билан қизиқди. Аскар ва офицерларимиз ҳар қандай қалтис вазиятда қатъий ишонч билан, дадил ҳаракат қил-

моғи лозим. Бунинг учун уларнинг қуроли-яроғи ва кийим-боши, бошқа анжомлари ҳам талабга тўла жавоб бера оладиган бўлиши керак. Биз ўзимизнинг янги, миллий армиямизни барпо этмоқдамиз, деди жумладан Ислам Каримов. У энг замонавий қуролилар билан таъминланган, шиддаткор, куч ва билимда, маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиган аскар ва офицерлардан ташкил топаётир. Шунинг унутмаслик кераки, жангарилар хориждаги террорчилар тайёрланадиган махсус лагерларда яхши тайёргарликдан ўтган, замонавий қуролилар билан қуролланган. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва армиямизни доим шай ҳолда тутишимиз зарур, деди Юртбошимиз. Чаён барибир чаёнлигини қилади. Осойишталигимизни бузмочки бўлаётган жангариларни ҳам ана шундай чаёнлар тўдаси дейиш мумкин. Лекин бизни ҳеч ким кўрkitолмайди ва енголмайди. Биз тинч ҳаётимизни захарламоқчи бўлган газандаларга шундай зарба берайликки, токи бу уларнинг хорижда ўтирган раҳнамоларига ҳам сабоқ бўлсин.

Олий Бош Қўмондон Бирлашган Қуроли Кучлар штаби аъзолари билан мавжуд вазият, амалга оширилаётган тозалаш операциясининг бориши ҳақида суҳбатлашди. Асосий мақсад мазкур операцияни тезроқ тугатишга эмас, балки қурбон бермасдан яқунлашга қаратилиши лозим, деб таъкидлади Президентимиз. Муслимон НАМОЗОВ, УЗА мухбири. Тошкент - Термиз - Сарийосиё - Тошкент

ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Ҳозир 100 ўқувчига мўлжалланган ётоқхона ва бошқа ёрдамчи биноларда сўнги пардозлаш ишлари олиб бориламоқда. Нукус ва Бўстон шаҳарларида қурилаётган академик лицейлар ҳам фойдаланишга топширилиши арафасида.

Ватан фидойилари

Марҳум тупроққа қўйилганига ўн кундан ошди. Аммо бу хонадонга келиб-кетувчи узилгани йўқ. Утган-кайтган бирров кириб, тиловат қилиб кетяпти. Қирган киши бир чеккада баҳмал устига ёйиб қўйилган суратларга тикилиб-тикилиб кетяпти. Қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган инсонни хотирасида бир умр сақлаб қолгиси келадиган гўё.

Суфийенликлар Қаҳрамон Мадалимовдан фахрланиб юришарди. Қимсан, ўзимизнинг йигит махсус батальонда хизмат қилаётган. У ерга ҳамманиям олавермайди. Қаҳрамонжон муносиб йигит, иродали, ориятли.

Отаси раҳматлик Нишонбой ака умри давомида қишлоқ болаларини ўқитиб, тарбиялаб ўтган эди. Ажойиб инсон эди, деб эслади кўпчилик. У ўн бир фарзандини оёққа тургазди, элга қўшди. Шу болам жуда меҳрибон чиқди, - дейди Ачанисо хола. - Менга, сиз ёлғизсиз, ёнингизда бўлишим керак эди, деб куйинарди. Кўй, дердим, ҳолимдан хабар олиб турувчилар кўп, мана, акаларинг, опаларинг ҳар кун келиб турибди, бир неварам ҳар доим ёнимда. Сен хизматингни қилавер, дердим. Аскар бўлиш осонмаслигини биламан-да. Ахир, болам бекор юргани йўқ, эл-юрт тинчлиги учун хизмат қилаётганини ўйлаб, мамнун бўлардим...

ҚАҲРАМОННИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

туфайли вафот этди. Ачанисо холага таҳсин айтганинги келадди. Бу аёлнинг қўлида «Мард, танти ва жасур йигитлар тарбия топган. Сулаймон ака - оиланинг тўнғич фарзанди. Ҳўжаликда боғбон. Бир чеккада паришон ўтирибди. - Укамни сўнги бор баҳор охирида келганида кўргандим, - дейди у киши. - Ўтириб у ёқ бу ёқдан гаплашувдик. Ака, қузда албатта келаман, биргалашиб олма теримиз, деганди...

исмига кўймаган. Исмига муносиб иш қилди. Унинг ҳаёти ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз учун ибратдир. Мактабни битиргач, Қаҳрамон Марғилондаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Ўқиш мобайнида икки йил Леблинградда, ҳарбий-денгиз флотига хизмат қилиб қайтди. Қаҳрамон хотини Зуҳра ва кичкина Қизчаси Зайнура билан Қичиқда туришарди. Тинчосуда ҳаёт кечиради. - Дадаси Зайнурани бирам яхши кўрардики, - дея эслади Зуҳра. - Қўли бўшади дегунча бирга бўларди. Зайнура деган исми ўзлари топиб қўйган. Қизимиз ҳали ёшига тўлмаган бўлса-да, унга ҳар хил расмий китоблар, дарсликлар олиб келганди. Дадаси унга ҳарбийча чест беришни ҳам ўргатган...

Қаҳрамоннинг хотираси Зуҳрадон учун абадий. Бундан бўғи ундан қолган ёдгорлик - Зайнура унинг кўнглини ёритиб туради. Уни худди дадаси истагандек қилиб ўстиради, ўқитади. Ва албатта, унга дадаси кўрсатган қаҳрамонлик ҳақида қайта-қайта ҳикоя қилиб беради.

Файрат САЙДУЛЛАЕВ, УЗА мухбири. Фарғона вилояти.

НОЁБ ТОПИЛМА

Нуробод туманидаги Жом қишлоғида топилган қадимий тош бўлаклари юртимизнинг ҳар қарич тупроғи бир хазина эканидан далолатдир. Тумандаги 21-мактаб музейи раҳбари, тарих ўқитувчиси Абдуманнон Ёркулов иморат қуриш учун тайёрланаётган жойдан антиқа ёзувли қадимий тош бўлақларини топиб олди. Доира шаклидаги бу тош бўлақлари аслида яхлит бўлган. Ундаги шакл ва белгилар миср иероглифи ёзувларига ҳам, миҳхат, соми, юнон ёзувларига ҳам ўхшайди. - Белгилар орасидаги бугдой бошоғи суратини эътиборга олсак, бу тош тарихи «Авесто» яратилган даврларга бориб тақалади, деб таҳмин қилиш мумкин, - дейди А.Ёркулов. - Чунки бошқоқ деҳқончилик худосининг рамзи ҳисобланган. Энди қадимшунос ва матншуносларга яна бир жумбоқ топилди. Ажаб эмаски, асрлар мобайнида тупроқ қаърида ётган бу кўхна тош ўзи билан бирга тарихнинг номалум сирларини ҳам ёруғликка олиб чиқса.

Ёвга ўлим

Ҳиссадорлик жамияти-мизда бўлиб ўтган 120 кишилик йиғилишда Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сарийосиё туманларида суқулиб қирган террорчиларнинг ёвузликлари, шунинг устига қаттиқ қораланди. Жанг беталофат бўлмайди, албатта. Аммо бир она сифатида ҳали ҳаётда ҳеч нарса қўрмаган, қайсиларидир уйланмаган, бугун-эрта тўй қилиш ораусида юрган йигитларимиз шавҳид кетганликлари юрагимизни эзмोकда. Бу кўргуликлар бизни янада қушёр бўлишга ўргатмоқда. Корхонамизга қадам ранжида қилсангиз кўринарли ерда «Узингни, ўз уйингни ўзинг асра» деган шiorга кўзингиз тўшади. Биз Юртбошимиз

ОНА БАРДОШИ

даъватига жавобан ўзимиз яшаётган маҳалларда, цехларимизда ўзаро талабчанлик муҳитини яратишга астойдил киришганмиз. Ҳар кун матбуот, телевидение орқали олдан куч-қувват тилаймиз. Ишончимиз қомил, тез орада душман узил-кесил яқсон этилиб, ҳаммамиз енгил нафас оламиз. Энг улуг, энг мўтабар байрамимиз зўр шоду-хуррамлик билан нишонлаймиз. М.БОЗОРОВА, Бухоро шаҳридаги Бўри Омонова номидаги ҳиссадорлик жамияти хисобчиси.

ОЛИМЛАР ФИКРИ

Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманларидаги ноҳус воқеалар муносабати билан Республика Фанлар Академиясида йиғилиш бўлиб ўтди. Академия президенти Т.Жўраев бошқарган мазкур йиғилишда сўзга чиққан олимлар Ватанимиз сарҳадларида суқулиб қирмоқчи бўлган бир гуруҳ халқаро террорчиларнинг хуружларини кескин қоралаб, уларнинг ёвуз мақсади - тинч ва осуда ҳаётга, осойишталик ва бунёдкорлик ишларимизга раҳна солишдан иборат эканлигини таъкидладилар. Бундай шароитда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳушёрлик ва сергалликни янада ошириш, кенг тушунтириш ва ташвиқот ишларини олиб бориш зиддиятларининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. (УЗА).

«ЭСКИ УСЛУБ ПАНД БЕРМОҚДА...»

ҳолат ёмонлашган. Жамият йилни 137 миллион сўм зарар билан яқунлагани ҳам бу борадаги аҳволнинг нақадар ноқорлигини далолат беради. Бунга жамият раҳбарларининг бот-бот алмашиши, турли хизматлар, озуқа, дори-дармон нархларининг ошганлиги, ҳаражатларнинг кўпайганлиги, наслдор зотли паррандаларнинг қамайиб кетишига йўл қўйилганлигини

асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 419-сонли «Парранда гўшти ва туҳумини кўпайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорига асосан ноябр ойда «УЗМАД» парранда-холдинг» компанияси ташкил этилиб, «Қувасой-парранда» ҳиссадорлик жамияти ҳам унинг таркибига киритилган эди.

Шундан кейин ва айни пайтда ҳам холдинг компания жамият раҳбарияти билан ҳамкорликда паррандачилик корхонасини мушкул аҳволдан қутқаришнинг энг мақбул йўллари кидирмоқда ва изланмоқда. Хусусан, жамиятнинг амалдаги йилда ишлаб чиқариш ва молиявий аҳолини барқарорлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар тузилиб, амалга оширилаётган. Чунки

корхона қошида насли паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ишлари олиб бориляпти. Мазкур юмушлар ниятисига етган, насли товуқларнинг 240 минг донга туҳуми келтирилади. Бу тадбир паррандалар сонини кескин кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, жамият молиявий аҳолини яхшилаш, маҳаллий ҳокимлик билан бирга хўжалик кўрғончасидаги ижтимоий тузилмалар таркибини коммунал хўжаликлар

хисобига ўтказиш юзасидан тегишли юмушлар амалга оширилмоқда. Хуллас, барча сай-ҳаракатларимиз, излаш ишларимиз ҳиссадорлик жамиятининг ривожланиши сари юз тутишини таъминлаб, жорий йилнинг 44,7 миллион сўм фойда олиш билан яқунлашнига қаратилгандир. Х.АХМедова, «УЗМАД» парранда-холдинг» компанияси бosh директори вазиқасини бажарувчи.

Газетамизнинг шу йил 13 июн сонидида ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада «Қувасой-парранда» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари фабриканинг аввалги мавқени бой бериб қўйгани, паррандалар бош сони беш баравар қамайиб кетгани, махсулот таннархи қимматлашгани ва оқибатда ўтган йил катта зарар билан яқунлагани танқид қилиниб, ишчи ўнлаш, йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш юзасидан айрим таклиф-мулоҳазалар билдирилган эди. Кўйида мазкур мақолага келган жавоб билан танишасиз.

Газетада қайд этилган далиллар «УЗМАД» парранда-холдинг» компаниясининг кенгайтирилган мажлисида мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқи-

либ, муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам, «Қувасой-парранда» ҳиссадорлик жамиятида ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқариш орқага қараб кетган, молиявий

Паркент деганда узумзор боғлари сўлим киш-лоқлар, шаркирок сойлар, улардан ҳам аввал фидойи кишилар кўз олдимишга келади. Ай-никса туман жамоли мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Биз турли соҳа кишилари билан суҳбатлашиб бу ўзгаришлар асосида Фи-докорона меҳнат ётганига амин бўлдик.

Хусниддин Мухиддинов, туман уй-жой қуриш бошқармаси бошлиғи.

— Паркент тумани Юқори Чирчиқ туманидан ажралиб чиққанидан буён 20 йил ўтган бўлса у ўзининг юксалиш палласига мустақиллик йилларида кирди. Мухтарам Президентимизнинг «Фарзандларимизга биздан овоз ва обод Ватан қолсин» деган пурҳикмат сўзлари барчанинг шиорига айланди. Ҳақиқатан ҳам юртимизда тинчлик бўлса, қури-лиш бўлади, тўйлар бўлади, юксалиш бўлади. 1998 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 197-қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш учун бўлимлар ташкил этилди. Бу бўлимлар бевосита му-ҳандислик-коммуникация шохобчалари газ, электр, сув тармоқлари-ни битказиш, кўчаларни, турар-жойларни ободон-лаштириш билан шугул-ланди. Бу бўлимлар 1999 йилдан эътиборан бошқармага айланти-рилди. Бугун кишлоқ-ларда рўй берган ўзга-ришларни бир кўрсан-гиз. Биргина Паркент шаҳрининг ўзида бозор қурилиши тугалланди, савдо-дўконлари фойда-ланишга топширилди, янги гузарлар қад рост-лади. Туманимиз хари-тасида 36 та уй-жой мавзелари пайдо бўлди. Булар асосан Паркент шаҳри, Намданак, Бош-қизилсой, Заркент, Ҳисорак, Чанги, Паркент кишлоқ фуқаролари йи-ғини, Бўстон ва Қора-қалпоқ кишлоқларида-дир. Биргина шу йил-нинг 9 ойи давомида 6,1 километр газ тармоғи, Ҳисорак кишлоғида ши-фокорлик шохбачаси, 7 та маҳалла гузари қад ростлади. Бу тумани-мизда ҳамisha қурилиш-га эътибор ниҳоятда катталайдиган далолат-дир.

Ислоҳот инсон учун
ПАРКЕНТ ЧИРОЙИ

дастурларни синовдан ўтказиш учун халқ таъ-лими Вазирлигининг 1998 йил 19 майдаги 7-сонли ҳайъат мажлиси қарори билан умумий таълим дастурларини си-наб кўриш учун барча вилоятларда вилоят та-сарруфидида тажриба-синов майдонлари таш-кил этилган эди. Шулар жумласидан бизнинг Паркент туманидаги 1-мактабда «Чизмачилик», «Тасвирий санъат», 21-мактабда «Биология» фанлари бўйича икки йил мобайнида янги дастурлар синалиб амалиётга жорий этиш топ-ширилди.

Мен ҳам мутахассис-лигим бўйича 1-мактаб-да ташкил этилган си-нов-майдонда «Чизма-чилик», «Тасвирий санъат» фанлари бўйича янги синов дастури асосида дарслар ўтиб, ўз фикр ва мулоҳазаларим билан Республика, вилоят ми-қёсидаги анжуманларда қатнашдим.

2000-2001 ўқув йили-да 7-синфларда чизма-чилик ўқитилмай, 8-9 синфларда ўқитилади. 8-синфда «Техникавий гра-фика асослари» дастури ва дарслигидан фойда-ланилади. 9-синфларда Республика таълим мар-кази томонидан тайёр-ланган «Чизма-геомет-рия элементлари» дасту-ри ва методик тавсиялар асосидаги машғулотлар олиб борилади.

Пўлат ЁҚУБОВ, Узбекистон халқ ўқитувчиси, 1-мактабнинг олий тоифали мутахассиси.

— Истиқлолимизнинг

лифлар А.Сулаймонов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ҳамда дастури асосида ўқитилади.

Янги давлат стан-дартларининг амалиётга жорий этилганлиги муносабати билан бош-лангич (1-4) синфларда «Тасвирий санъат ва меҳнат таълими» дарс-лари алоҳида ўқитилади-ган бўлди. Чунки 1-4-синф тасвирий санъат дастури «Қадрлар тай-ёрлаш миллий дастури»-да кўрсатилган талаблар асосида қайта ишлаб чиқилган. Бу дарсликлар

ушун 21 минг сўмдан иборат. Бу йил 100 мил-лион сўмлик йўлланма-лар билан келган меҳ-наткашлар хизматда бўлган 180 кишидан иборат жамоамизнинг фидойилигидан бошла-ри осмонга етиб қайт-дилар. Айникса, меҳмон-ларнинг дастхатлари ёзилган дафтарда Мир-собит Мирҳамидов, Иро-да Норбўтаева, Садима Ҳотамова, Абдурахмон Абдуназаровларнинг шаънига айтилган илиқ сўзларни ўқиш мумкин.

Ишчи-хизматчилари-мизнинг манфаатдорли-гини ошириш ҳам изчил олиб борилмоқда. Мас-канимиз очик турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлганиги учун акция-лар чикарганмиш. Хар донаси 100 сўм туради-ган акцияларга 1998 йилда 85 сўмдан дивид-ент тўланди. 1999 йил-да эса бу рақам 73 сўми ташкил этди. Бу йилги тўловларимиз бу-лардан кам бўлмайдди. Бундан ташқари жамоа-мизни ободонлаштириш, янги жиҳозлар билан таъминлаш масалалари-га ҳам йиллик дарома-димизнинг 30 фоизини ажратганмиш. Улардан унумли фойдаланмоқда-миш. Ниятимиз дам олишга ташриф буюрган ҳар бир юртдошимизни кўнглини хушнуд этиш-дир.

Паркентда амалга оширилган ишларнинг барчасини санаб ўтиш мумкин эмас. Энг муҳи-ми Чотқол бағридаги ту-ман меҳнаткашлари «Паркентни боғу-бўстон-га айлантирашимиз» деб ният қилганлар. Ният-нинг ижобатини одам-ларнинг меҳнатини яра-туви олтин қўллар қим-матини бу ерга бир бор келганлар ўз кўзи билан кўради.

Масканимизда бу йил Наманган, Фаргона, Ан-дихон вилоятларидан ташқари деярли барча вилоятлардан турли касб эгалари ташриф буюришди. Хусусан, На-воий, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон Рес-публикасида ҳар мав-сумда юзлаб меҳнаткаш-лар хордик чиқариб қайтдилар. Сўлим гўша-да бир йўла 770 киши дам олиш мумкин. Ёз-нинг иссиқ кунларида бу рақам 900 кишини таш-кил этади.

Ҳар йилнинг декабр-январ ойларида махсус вакилларимиз вилоят-ларда бўлиб, вилоят ка-саба уюшмалари кўми-талари билан шартнома тузиб қайтадилар. Йўлланмалар нисбатан арзон, 10 кун дам олиш



Темур УБАЙДУЛЛО.

Салом ота Аҳмедов Сирдарё вилоятида кўзга кўринган фер-мерлардан. У бундан уч йил аввал «Арна-тожи» фермер хўжа-лиги ташкил этган эди. Қисқа фурсатда уста деҳқон, тadbир-кор фермер эканини амалда кўрсатди.

«Арна-тожи» фермер хўжалиги аъзолари 51 гектар ерда де-ҳқончилик қилишди. Унинг 20 гектарида галла етиштириб мўл ҳосил олинди. Давлатга режадаги 47 тонна ўрнига 53,7 тонна дон топширилди.

Шунингдек, 22 гектар ердаги пахта, 7 гектар жойдаги шол, 2 гектарли боғдан ҳам дурустгина ҳосил олиниши кўтиляпти.

— Кишлоқдаги ҳар бир хонадонда озми-кўпми дон-дун бўла-ди, — дейди фермер С.Аҳмедов, — ҳамкишлоқларим оғирини енгиллатиш мақсадида теғирмон қуриш ниятим бор. Худо хоҳ-ласа яқин орада уни битказиб ишга тушираман.

Ҳа, шундай саховатли инсонлар бор экан, юрт обод, одам-лар орасидаги меҳр-оқибат мустаҳкам бўлаверади.

Суратда: «Арна-тожи» фермер хўжалиги раҳбари С.Аҳмедов.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Умумхалқ байрами яқинлашиб келаётган шу кунларда жойлар-да қад ростлаётган бинолар яна ҳам жо-зибили бўлиб кўрина-ётир. Яқкабоғ тумани-да амалга оширилаёт-ган ишлар бунинг яққол далилидир. Ту-манда 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Амир Темур номли жамоа ширкат хўжалигининг Қорасув кишлоғи аҳолиси учун қурилиб битказилган кишлоқ врачлик амбу-латорияси Мустақил-лик байрами арафаси-да тантанали очилади. 12 миллион сўмлик маблағ сарфланган бу иншоотни Одил Мах-мудов раҳбарлик қилаётган қурувчилар барпо этишди.

Шаҳардаги Фурқат, Эски Яқкабоғ маҳал-лари, Карим Мой-лиев жамоа хўжалиги-нинг Галамулла киш-лоғи аҳолиси учун 13 километртик паст бо-симли табиий газ қузури тортилди.

Туманда жорий йил-нинг 6 ойида 27,13 ки-лометртик табиий газ қузурлари, 4,36 кило-метр тоза ичимлик сув қузури тортилди. Бун-дан ташқари, 290 квадрат метр савдо тармоқлари биноси, 75 ўринли ошхона, 6 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси қуриб битказилди.

Мустақиллик байра-ми кунинда туман мар-казидаги ўйингоҳда бўлиб ўтадиган тад-бирлар белгилаб олинди. Тармоқ кас-ба уюшмаси туман кўмитаси раҳбарлик қилаётган байрам тад-бирларидан спорт му-собақалари ҳам ўрин олган, санъаткорлар-нинг чиқишлари бай-рам иштирокчилари кайфиятига кайфият улашади.

БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Яқкабоғ туманидаги «Марказ» савдо таъ-минот корхонаси жа-моасининг олиб бора-ётган ибратли ишлари ҳақида нафақат туман-да, балки вилоятда ҳам барча яши бил-ди. Бундан 4 йил ил-гари қад ростлаган 3 қаватли савдо мажму-ида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш янги йўлга қўйилган. Дастлаб 7 киши меҳ-нат қилаётган жамоа-да ишлар юришиб кетгач, қўшимча иш ўринлари яратилди.


Алимардон Худой-назаров раҳбарлик қилаётган жамоа аҳли яқинда яна бир савоб-ли ишни ниҳоясига ет-казди. Яқкабоғ шаҳар-часида шинамгина савдо уйи қурилди.

Деҳқон бозорига ту-ташиб кетган савдо мажмуи биносининг 3-қаватига ўрнатилган тивук машиналари ҳам байрам арафасида ишлай бошлади. Бундан ташқари бу ерга қандолатчилик, нон ишлаб чиқариш ускунаси ҳам ўрнатил-ди. Бу билан яна 9 киши иш билан таъ-минланди.

Қорхона жамоаси хорижлик ҳамкорлар билан ишлашни ҳам йўлга қўймоқда. Гер-маниянинг «Антон Ohlert» фирмаси билан ҳамкорликда минерал сув ишлаб чиқариш линияси ишга туши-рилгач, 30 киши иш билан таъминланди.

— Тадбиркорликни юритиш осон кечмади, — деди Алимардон Худойназаров. — Бу ишни бошлаш учун ака-укаларим билан ҳамкорликда иш юрит-дик. Бор маблағ ўрта-га қўйилиб, ишга ки-ришилди. Натижа са-марали бўлапти.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.



ИШОНЧ - ҚАНОТ

Нишон туманидаги Усмон Юсупов номли ширкат хўжа-лиги деҳқонлари 850 гектардаги галлазордан юксак хир-мон кўтардилар. Галла тайёрлаш режаси 106 фоизга бажарилди. Давлатга режадаги 1510 тонна ўрнига сал-кам 1600 тонна сара дон топширилди. Бу хали бошла-ниши. 2530 гектар майдондаги пахтазор оппоқ либосга бурканаяпти. Бу Умрқул Эрбоев етакчи миришкорлар-нинг сидқидил меҳнати туфайлидир. Эрта-индин ялпи пахта терими бошланади.

— Чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эъти-бор берамизми, — дейди У.Эрбоев. — Қорамоллар сони 500 бошга етди. Йил давомида 150 тонна сўт топши-риш режалаштирилган. Ҳозиргача қарийб 100 тонна сўт сотдик. Насиб этса режани зиёдаси билан бажарамиз. Бултур барча кўрсаткичларни ортиги билан адо этиб 30 миллион сўм соф даромад олгандик. Бу йил галла-нинг ўзидан 7,5 миллион сўм фойда кўрдик. Пахтадан эса 35 миллион сўми кўзлаямиз.

Бу ютуқларга ниманинг эвазига эришилди, деган сав-вол берилгани табиий. Биринчидан, ишининг тўғри йўлга қўйилганлигидир. Қолаверса, ижарачилар билан тузил-ган шартномага қатъий амал қилинади. Келишувга би-ноан режадан ташқари ҳосилнинг 50 фоизи ўзларида қолади. Галла ўрими-йғимида ёқилги мойлаш матери-аллари, уруғ, ўғитдан тежалган маблағнинг 25 фоизи ижарачиларга олийк маош сифатида берилиши, илгор-ларнинг қимматбахо совғалар билан тақдирланиши ҳам деҳқонларнинг гайратига гайрат қўшмоқда. Ушбу хўжа-ликда ижтимоий ҳимоя алоҳида эътиборда. Утган йили даромад ҳисобидан табиий газ қузурлари тортилди. Су-ғориш тармоқлари тўла таъмирланди, янги боғ барпо қилинди. Клуб, 250 минг китоб фондига эга кутубхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш соҳалари янада фа-оллашди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчи-ларга доимий ғамхўрлик кўрсатилаётир. Меҳнатга яра-ша рағбат бўлган жойда эса ишлар юришаверади.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

ўқув қуролларидан иборат 50 минг сўмлик совғалар топширилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, тармоқ кас-ба уюшма кўми-таси ижтимоий ҳимоя масалалари-га доимий эътибор қаратмоқда. Бундан сал илгари маҳалла фуқаролар йиғинла-ри, «Нуроний» жам-ғармаси, илгорлар жамияти ҳамда ижтимоий кўнума марказлари томо-нидан тавсия этил-ган ночор 23 оила-га 80 минг сўмлик озик-овқат маҳсу-лотлари топширил-ган эди.

Муаммо ечимини қутмоқда

Бундан уч йил олдин оммавий ахборот во-ситаларида Нукус шаҳрида озик-овқат спир-ти ишлаб чиқарувчи корхона фойдаланишга топширилгани тўғрисида хабарлар берилган эди. «Нукус ун заводи» хиссадорлик жамия-ти қошида иш бошлаган ва Хоразм воҳаси халқ хўжалиги учун фоят зарур неъмат тай-ёрловчи кичик корхонада катта ҳажмда иш-лар бажарилди, яъни 1997-98 йиллар мо-байнида 38 минг декалитр спирт тайёрла-ниб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Аммо...

ДЕПСИНИШ

Корхонада қайта таъмирлаш бошлан-ди-ю ишлар ортага қараб кетди. Чунки Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1999 йил 23 сен-тябрдаги «Спирт, ал-коголли ва тамаки маҳсулотларини иш-лаб чиқариш бўйича давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 444-сонли қарорига бино-ан «Ўзкимёсанот», «Ўзмевабазавотузум-саноат» холдинг тар-тибига кирмайдиган корхонада спирт иш-лаб чиқарилишига чек қўйилди. Мазкур хўж-жатга кўра «Ўздонма-ҳсулотлари» корпора-цияси «Нукусунзаво-ди» қошида спирт иш-лаб чиқаришни тўхта-тиш хусусида, кичик корхонани эса «Ўзки-

тига-устак, мана икки йилдан буён ишлама-ётган корхона учун йилига 5 миллион сўмдан ер ва мулк солиғи тўланапти. «Емаган сомсага пул тўлаш» эса хиссадор-ларга қимматга туша-япти. Чунки мазкур корхонани фойдала-нишга топшириш учун оз эмас, кўп эмас салкам 130 миллион сўм маблағ ҳам худди шу жамият ҳисобидан бўлди-да! Улар билан суҳбатлашиб қолсан-гиз, сабабсиз санса-лорлик ва бир жойда депсинишнинг олди-ни олиш, аллақачон мумкин эди, дея қуй-идаги фикрни билди-ришга қўлдан берди.

Фурсатни бой бер-маслик, тўғривоғи, фойда бериб турган корхона бекор туриб қолмаслиги мақсадида Қорақалпоғистон Рес-публикаси Вазирлар Кенгаши «Ўзкимёсанот» уюшмасига расмий равишда мурожаат қилиб, Нукус спирт корхонасини мазкур уюшма ҳисобига ўткази-ши сўради. «Ўзки-мёсанот» мутасадди-лари эса корхонани «Ўзмевабазавотузум-

ни сўраб, Республика Давлат мулк ва тadbир-корларни қўллаб-қув-ватлаш кўмитасига, «Ўзмевабазавотузум-саноат» холдингга рас-мий хужжатлар орқали илтимос қилди. Компа-ния раҳбарияти хол-дингчилар андай эмас-лигини амалда кўрсат-ди, яъни, улар спирт корхонасида таъмир-лаш ишлари тўла та-момлангандан кейин-гина компания таркибига олиш мумкинлигини маълум қилди. Таъмир-лашни ниҳоясига еткази-ш учун эса 30 мил-лион сўм талаб қили-нарни. Бундай ҳаражат учун маблағ «Нукусун-заводи» хиссадорлик жамиятида йўқ эди. У-

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

Навоий вилоят пенсия жамғармаси Дав-лат муассасалари ва жамоат хизмати хо-димлари касабга уюшма вилоят кўмитаси-нинг Нина Третьяковани Зарафшон шаҳар ҳокимлиги пенсия жамғармаси 1-даражали мутахассис вазифасига қайта тиклаш ҳақидаги қарорини узок вақт бажармасдан келди. Оқибатда иш судга оширилди. Наво-ий шаҳар судининг яқинда бўлиб ўтган маж-лисида ана шу масала кўриб чиқилди.

КАСАБА УЮШМА ИШГА ТИКЛАДИ

Н.Третьякова кўп йиллардан бери пен-сия жамғармасида ишлаш билан бирга давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раи-си ҳам бўлган. Шу йилнинг биринчи мартида штат қисқа-риши баҳонаси билан вазифасидан бўша-тилган. Ўзбекистон Республикаси «Каса-ба уюшмалари, улар-нинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафо-латлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-модда-сида «Ишлаб чиқа-ришдаги асосий иши-

ги олингандан кейин-гина йўл қўйилади» деб ёзиб қўйилган.

Шаҳар суди судъ-яси Сайёра Жумано-ва раислигида ўтган мажлис вилоят пен-сия жамғармаси маъ-муриятининг мазкур қарорини гайри қону-ний деб топиб, Н. Третьяковани ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун ҳақ тўлаш, маъ-навий зарарни қоп-лаш ҳақидаги шикоя-тини қаноатлантирди. Жабрланувчига маж-бурий бекор юрган вақтига 50354 сўм, маънавий зарарига 40000 сўм ундириб бериладиган бўлди. Ҳуқуқий демокра-тик давлат сари одимлаётган жамия-тимизда ҳақ ўз жой-ида қарор толгани шу эмасми?


Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» мухбири.



**Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси қошидаги
Курортлар бошқармаси**



*Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат
қилаётган тиббиёт ходимлари ва барга
фуқароларимизни Мустақиллигимизнинг яқинлашиб
келаётган 9 йиллик байрами билан самимий
муборакбод эшади!*




**Барчангизга жондан азиз
Ватанимиз – ҳур Ўзбекистонни
гуллаб-яшнагани йўлидаги
шарафли ишингизда омад ва
муваффақият ёр бўлсин.**

«Соғлом авлод йи-
ли»да сизларга мус-
таҳкам соғлиқ-сало-
матлик, аъло кайфи-
ят, оилангизга бахту
саодат тилаймиз.



**Барча шароитлар му-
ҳайё этилган ором-
бахш шифо масканла-
римиз сизга доимо мун-
тазир!**



БОЛАЛАР КУВОНЧИ ОЛАМНИ ТУТСИМ

Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат богида «Соғлом авлод учун» давлат дастури асосида маданият ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси хайрия тadbiri ўтказди. Тadbirга 102 нафар бола таклиф этилди. Уларнинг барчаси маданият соҳасида хизмат кўрсатган ҳам таъминланган оилалар фарзандлари. Бу тadbirни ўтказиш учун 392 минг сўм маблағ ажратилди, — дейди кўмита раиси Саид Алимхўжаев. — Биз бу пулларга ўқув курслари харид қилиб, болаонларга туҳфа этдик. — Сенга совғалар ёқдим, — деб сўрайман 8 ёшли Матлуба исмли кизчадан. — Жудаям ёқди. Яна энг яхши томони оиламиздаги 3 ўқувчи — акаларимга ҳам ўқув курслари берилди. Энди бир-биримизники талашмаймиз. — Оиламизга бу жудаям катта ёрдам бўлди, — дейди Матлубанинг онаси. — Мана эрта-индин мактаб бошланади. Қисман бўлса-да, бир ташвишдан қутулдим. — Менинг ҳам гапларимни ёзасизми, — дейди 9 ёшли Гўзал. — Аввало, мен бизга ушбу совғаларни берган амакиларга катта раҳмат айтмоқчиман. Қаранг, яна бепул музқаймоқ ейиш, бепул аттракционларда ўйнаш учун таклифномалар беришди. Совғалар тарқатиб бўлингач, «Болалар бадий ижодиёти» республика марказининг кўрғазмаси бўлди. Унда марказнинг ижодий студияларида шуғулланаётган иқтидорли болаларнинг энг яхши асарлари намойиш этилди. Ушбу истироҳат боғининг «Улугбек юлдузлари» гуруҳи, Наманган вилоятининг фольклор дастаси А.Икромов, Чилонзор тумани болалар бадий ҳаваскорларининг чиқишлари улар қувончига қувонч қўшди.

ЭКОФЕСТИВАЛ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Нукус шаҳрининг марказий майдонида мамлакат мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб «Экология ва саломатлик» фестивали бўлиб ўтди. Нукусликлар ва меҳмонлар ҳаваскор ашула-рақс, фольклор-этнографик дасталари санъаткорларининг она Ватан, мустақиллик, дўстлик, муҳаббат тўғрисидаги қўшиқларини, рангба-ранг рақсларни мириқиб тамоша қилишди. Шу қуни ўнлаб расталарда савдо ярмаркалари ҳам уюштирилди.

ШАФТОЛИНИНГ ФОЙДАСИ

Меваларнинг киши соғлиги учун фойдаси ниҳоятда каттадир. Чунки улар осон ҳазм бўладиган углевод, шакар, шунингдек, дармон дорилар, турли маъданли тузлар, Чунончи, шафтолида 80-90 фоиз сув, 5-16 фоиз қанд, олма кислотаси, қотирувчи ва пектин моддалар, кальций, фосфор, темир тузлари бор. Шафтолидаги эфир

Иккинчи хулосамиз, кино миллий адабиёт билан узвий алоқа ўрнаштириш, шу йўл ила экранга янги мукаммал образлар, ҳаётий воқеалар тизмасини олиб киришга интилиши билан боғлиқ. Ёзувчи кино ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши, тайёр китоб фильмларга айланиши қатор ютуқларга олиб келди. Лекин бу масаланинг янги бир қирраси пайдо бўлдики, уни изоҳлаш, шарҳлаш зарур кўринади. Бу йилларнинг муҳим белгиларида бири кинода интеллектуал тушунчаларнинг бадий ифодасини намойиш этиш билан боғлиқ. Президентимиз Ислам Каримовнинг фалсафий-публицистик асарлари заминда уч серияли фильм яратилиши ҳам киномиз учун катта воқеа бўлди. У назарий мушоҳадалар, теран ўйлар экранни бойитиши мумкинлигини бизга яна бир бор тасдиқла-

ди. Режиссёр Исҳоқов, бадий раҳбар Т.Юнусов бошичи қилган гуруҳ ижод этган бадий тўқима мустақил қимматга эга бўлиши билан бир қаторда Юртбошимизнинг китобларига бот-бот мурожаат этишга ундайди. Б.Музаффаровнинг «Туш-

КИНОМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

даргоҳларининг яқин ўтмишдаги фаолиятига, муайян асарларга холис баҳо бериш ҳам эндиликда муҳим аҳамият касб этди. Фақат кино мунаққидлари, кинематография тарихи учунгина эмас, ҳозирги кино муҳити учун зарур бўлган бундай ёндошиш, ҳаққоний тавсиф экан санъатимизнинг истиқболи, режаларини белгилашда муҳим омил

тетиқ мустақилликка эришаётганидан дарак беради. Студияларда соғлом муҳит мавжудлигини, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағни тежаб-тергаб сарфлашга аҳамият берилаётганини қайд қилиш билан бир қаторда, бу ижод

ий пишиқ асарни ўрғаниш, тажрибасини ўзлаштириш фойдадан холи эмас. Шўроларнинг яна бир қурбони Худойберган Девонор Хоразмда номачилик аъёнларининг давом эттиришга урингани, эндир кадрларни суратга олиб авлод-аждоқларига қолдиришга бўлгани ва бу ҳаракати билан Кизил империянинг газабига учрагани маълум, нега унинг тажрибасини унутимиз кетди. Яна бир мисол: Наби Ганиев дастлабки асариде «Ҳокимият кимники?» деб 20-йиллардаёқ шўроларнинг ҳокимлигига, улар узоқ ҳуқуқронлик қилишига шубҳа қилган, умр бўйи меросга таяниб иш тутган ва Тоҳирлар, Зуҳралар, Дилбарлар, Олимжон, Саид ва Зулфайорнинг соф муҳаббатини таърифлашда мумтоз шеърятимиз, тенги йўқ қўшиқларимиздан фойдаланган. Устозларидек бундай методологик асосларнинг туб моҳия-

тига тушуниб етиш, уларни ўзлаштириш лозимлиги ўз-ўзидан маълум. Мустақиллик йиллари навқирон санъатимиз учун унумли бўлаётганини таъкидлаганимизда биз аввало фильмларимиз савиясини, ижодий муҳитни назарда тутамиз. Шу билан бирга бу кино «манзараси» мураккаблигини ҳам эслатиб ўтамиз. Юртимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида айрим муаммолар учраганидек, ўзининг янги қиёфасини топаётган миллий кинематографиямизнинг эстетик мустақиллиги қатор масалаларнинг ҳал этилишига ҳам боғлиқ. Иқтисодий, техник имкониятлар яратиб берилган даъда ижодий, ташкилий, илмий муаммоларнинг ҳал этилишидан кино аҳли, унинг муҳлислари умидвор бўлишга ҳаққидирлар.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Инсон хотираси муқаддас

Ўзининг 90 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётган ўзбек футболдан Биродар Абдураимов, Илғай Тазетдинов, Станислав Стадник, Хамид Раҳматуллоев, Владимир Федоров, Василий Хадзипанасис, Михаил Ан, Олим Аширов каби жуда кўп юлдузлари етишиб чиққан. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бетакроп ўйин услубларига эга бўлиб, ишқибозлар футболдаси юлдузларининг маҳоратларини ҳамон чуқур энтикиш билан эслайдилар. Бирок ушбу юлдузлар ичра ҳам ёрқин порлаган яна бир бетакроп иқтидор соҳиби Геннадий Красницкийнинг номи Ўзбекистон футбол тарихида алоҳида ўрин тутаяди. Зеро, ўзбек футболининг энг ёрқин намойишдаси бўлиши «Пахтакор» жамоасининг оёққа туриши, шаклланиб тилларда дoston бўлган ҳолда ўз тарихида энг ёрқин ютуқларни қўлга киритишида Геннадий Красницкийнинг улкан ҳиссаси бор.

чи мавсумдаёқ у 29 ўйинда 19 та тўп киритиб, чемпионатнинг энг сермахсул тўпурари бўлишига оз қолади. Шу тарихида Красницкий номи бетимсол кучли зарбаси ва шиддатли ёриб ўтишлари орқали афсоналарга чулганган ҳолда муҳлислар тили ва мутахассислар эътиборига тушди. Кейинги мавсум Геннадий учун янада муваффақиятли кечади. Бу гал у рақиблар дарвозасини 21 бор аниқ нишонга олган ҳолда «Пахтакор» шухратини элга ёйди. Терма жамоа тарихига

тўрни тешиб ўтган, жамоадoshлари эса ушбу ноёб гол муаллифини майдондан қўллариде кўтариб чиққандилар. Иккинчи бетакроп голи билан у футбол қироли Пеле ҳам эришолмаган ва бир умр озу қилган «қўқини забт этди. 1966 йил 25 ноябрда Тошкентда «Спартак» (Москва) билан ўтказилган ўйинда у майдон марказидан белгиланган жарима тўпини аниқ ва кучли бажарган ҳолда дарвозани забт этишга муваффақ бўлди. Красницкийни яхши билган, унинг маҳоратидан баҳраманд бўлган машҳур футболчилар, мураббийларнинг қуйида келтирилган хотираларида ҳам буюқ футболчимизнинг ўзига хос ўйин услуби, ҳаётдаги камтарлиги ва одамийлиги ўз аксини топган.

КРАСНИЦКИЙ — БЕТАКРОП ИҚТИДОР СОҲИБИ



дoston бўлганди. Ушанда Ўзбекистон катталар терма жамоаси таркибиде Кирғизистонда ўтказилган Урта Осиё ва Қозғистон Республикаларининг аънаваний спартакиадасида қатнашган Красницкий терма жамоа киритган олти голдан тўрттасининг муаллифи бўлган ҳолда ўзбекистонликларнинг иккинчи ўринини эгаллашларида катта ҳисса қўшганди.

Анатолий БИШОВЕЦ, «Динамо» (Киев) жамоасининг собиқ ўйинчиси, 1988 йилги олимпиада голиби бўлган жамоа мураббийси:

«Пахтакор» билан ўйиндан олдинги ҳар бир кўрсатма пайтида мураббийлар доимо бизга рақибни назарга илмаган ҳолда асло бўшашмаслик лозимлигини уқтирдилар. Буну ўзимиз ҳам тушунардик — таркибиде Геннадий Красницкий бўлган жамоа билан асло бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмасди. Унинг бир ўзи беллашув тақдирини ўз жамоаси фойдасига ҳал қилиши мумкин эди. Красницкий ҳамма нарсани — ёриб ўтиш, тўп ошириш, алдов ҳаракатларини бажариш, энг муҳими, зарба беришни қутилмаган тарзда амалга оширарди. Кўп йиллар ўтгандан сўнг, мураббийлик фаолиятини бошлаганимдан кейин мен ушбу бетакроп ўйинчининг кўпгина хислатларини янги-ча тарзда идрок эта бошладим. Таркибиде шундай футболчига эга бўлиш, бу демачи, ўйин ўз майдониде, сафардаме ўтазилишидан қатъи назар ҳар бир беллашувда галаба учун курашиш эканини билдирди.

1958 йили Геннадий Красницкий «Пахтакор» жамоаси таркибига қабул қилинади. 1960 йили «Пахтакор» олий лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамоа учун мураккаб бўлган ушбу синов йилида Красницкий ёш бўлишига қарамасдан, яшил майдонда ўзининг энг кучли хислатларини намойиш қила олди. Зеро, энг кучли жамоалар орасида ўтказилган бирин-

таклиф этилди. Бинобарин, олий лигада ўтказилган дастлабки икки мавсумда қирқта тўп киритиш ҳали деярли ҳеч ким эришолмаган улкан муваффақият эди. Кейинги мавсумларда ҳам у ўзининг бетакроп ўйини билан «Пахтакор» жамоасининг ўзига хос ҳужумкор команди сифатида шаклланишига катта ҳисса қўшди. Зеро, жисмонан бақувват, тўп учун курашда жасур ва оловдек ўткир Красницкий майдонда ўзининг тезқорлиги ва ниҳоятда кучли зарбаси билан алоҳида ажралиб турарди. Жарима тўплари ва пенальтиларни бажаришда тенги йўқ Красницкий кейинчалик комбинацияли ўйинни ҳам яхши ўзлаштириб, тактиқ жиҳатдан етуқ футболчига айланди. Энг муҳими, ўзбек футболининг ёрқин юл-

ўзлаштирган ва улардан ўринли фойдаланарди. Уша пайтларда «Пахтакор»нинг дарвозабони бўлган Николай Любарцевнинг эслашича, Геннадий фақат биргина ўзига маълум бўлган усул билан тўпларни шунчалик «бураш» билардики, натижада тўп қутилмаганда ўз йўналишини ўзгартирар ва кўз очиб-юмгунча дарвоза тўрига тушарди. Бетакроп тўпларни киритишда мохир Красницкий урган иккита гол «шоҳ асар»лар даражасида бўлиб, улар ҳамон ишқибозларнинг тилларидан тушмай келади. Уларнинг биринчисини Красницкий 1963 йили Перу пойтахти Лима шаҳрида «Кристалл» командаси билан бўлган ўйинда киритган. Ушанда Красницкий тепган жарима тўпи зарбининг азбобий кучлигидан

Дилшод ИСРОИЛОВ. (Давоми бор).



Пахтаобод туманининг «Намуна» ширкат хўжалигидаги Араб қишлоғи марказида 2181 нафар аҳоли учун янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Унда 2 та олий маълумотли врач ва 6 нафар ҳамшира беморларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек бу ерда физиотерапия, аёллар маслаҳатхонаси, болаларни эмлаш хонаси ишлаб турибди. Араб қишлоғининг аҳолиси эндиликда тиббий кўриқдан ўтиш учун туман марказига қатнамайди. Суратда: ҳамшира Зуҳра Исмоилова. Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибиёт 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аҳди 14.002 нуска. Сотула эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси, Коркона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21.00. Топширилди 23.55. Буюртма 1—724. 1 2 3 4 5 6